

Тарихдан маълумки, «Кенигсберг-13» махфий лабораториясида гитлерчилар психотроп курулини ишлаб чиқаришар эди. Бу тажрибахона эса Кпайпхоф оролининг кафедрал ибодатхонаси ёнида жойлашганди. Хозирги кунда бу орол Калининграднинг деярли марказида бўлиб, Иммануил Кант номи билан аталади. Ўша, эски кафедрал ибодатхонасидан ташқари бу ерда ушбу файласуфнинг хоки ҳам ором олмоқда. Оролчада бошқа ҳеч қандай бинолар кўзга ташланмайди. Бирок бир пайтлар бу сокин гўшада қадимий ирим-сиримлар асосида Рейх галабасини таъминлаш учун тинмай меҳнат қилинган. Кнайпхоф (хозирги номи Кант) оролида ўн бешинчи асрдаёқ барча мистик ҳодисалар ҳақида эринмай тафсилотлар йигувчи яширин жамиятлар пайдо бўлган эди. Ҳокимият тепасига Адолф Гитлер келгач эса, «жодули орол» диктаторнинг иккинчи нафасига айланди-қолди. Рейхнинг кўрсатмасига мувофиқ бу ерда яширин лаборатория ташкил этилиб, ундаги амалиёт ва тажрибалар немис ҳарбий доктринасининг асосий вазифаси бўлиб қолди. Калининградлик тарихчи Татьяна Веселкованинг айтишича, мазкур бўлинма хизматчилари қаршисида иккита муҳим вазифа турарди. Биринчиси: астрология, жоду, гипноз, турли диний амаллар, фетишлару қадимги метафизик тартибларни ўрганиш. Иккинчидан: олинган натижалар асосида шарқ концептсияси асосида психотроп курулини ишлаб чиқиш. Мазкур лабораториянинг мавжудлиги тўғрисида жуда қамчилик биларди, инчунун, бу ташкилот жойлашган бино ҳам шунчаки, Кенигсберг-13 деб аталарди. Ўша пайтларда шаҳарликлар кўпинча галати манзараларнинг ҳам гувоҳи бўлишарди: оролдаги бу бинога оппоқ либосли будда монахлари ҳам қириб-чиқиб юришарди.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин лабораториядан қолган унчалик кўп бўлмаган архив ҳужжатларининг барчасини ҳукумат ўз иттифокдошлари бўлмиш америкаликларга ишлаб чиқариш ускуналарига алиштириб юборади. Шу сабабдан ҳам мазкур архив ҳужжатларидаги маълумотларга кўра, АКШда кўплаб ҳужжатли филмлар суратга олинган, салмоқлигина тарихий асарлар яратилган эди.

Ҳа, бир қарашда, «Кенигсберг-13»даги олимларнинг машғулотларини телбалик деб аташ ҳам мумкиндек, аммо наиложики бу ҳақиқатдан ҳам қам ўрганилган, шу билан бирга ўз аҳамиятига эга тарихий фактдир. Бундан ташқари, мазкур бўлинмада дарҳақиқат илмий ва интеллектуал салоҳияти ниҳоятда юқори бўлган иқтидорли олимлар фаолият юритишган.

Бизнинг қуниimizга қадар етиб келган маълумотларга мувофиқ, бинонинг биринчи қаватида турли халқ ва миллатларга тегишли асори-атикалар билан тўлиб-тошган эди: бу ерда православ иконалари ҳам, буддавийларнинг ашёлари, қадимги викингларнинг турли белгилари бор эди. Бинонинг ертўла қисмида эса уй ҳайвонларининг ўйиб олинган...кўз соққалари билан тўлдирилган улкан ванна турарди. Барча бинолар лабораториянинг унчалик кўп бўлмаган ходимлари жонларини омон сақлаб қола олишлари учун махсус ерости ва бомбадан қочиш йўлақлари билан боғланган эди. Бу ерга Берлиндан қамдан-қам қолда қеладиған машиналарни демаса, деярли ҳеч қим таширф буюрмасди.

Хўш, «Кенигсберг-13»даги оккултистлар аник нималар билан шугулланишган ўзи? Уларнинг фаолиятдан биргина мисол келтирамиз: 1944йилдаги инглизларнинг Кенигсберг нинг тарихий марказини вайрон қилган авиация хужумида кўпгина жойлар катори Кируллик қароргоҳи ҳам ёниб кетган эди. Шу боис лабораторияга «қасос акциясини» ўтказиш топшириги берилади.

Мазкур буйруқни бажаришаркан, олимлар бир пайтлар Генри ИВ кизига тегишли бўлган энг қадимий тожлардан бирининг нусхасини ясайдилар. Шундан сўнг асирга олинган уч нафар инглиз ўқувчиларининг гувоҳлигида қуйидаги маросим ўтказилади: тожни улар жирканч кўринишдаги бир кампирнинг бошига кийгизишиб, уни қуйиб қул бўлган қароргоҳ атрофида ўч бор айлантиришади, сўнг эса тожни ерга уриб, қилпарчин этишади-да, ундан сочилиб кетган қимматбаҳо тошларнинг барчасини териб, қора қалтачаларга (Британияга нисбатан ёмон таъсирни билдирувчи) жойлайдилар. Асирга тушган инглизлар ўчун бу ниҳоятда ҳақоратли ҳолат эди. Ахир уларнинг миллий гурури, давлат рамзи ўстидан шафқатсизларча қулишарди.

Бир қараганда, юқоридаги воқеа кишининг қулғусини қистатади. Аммо тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, ўрушдан кейинги даврда Британия халқи Уинстон Черчиллнинг номзодини янги муддатга тасдиқламади ва боз ўстига қирулликнинг ўзи ҳам ички ва ташқи сиёсатга нисбатан ўз таъсирларини бутунлай йўқотиб бўлган эдилар. Бундан ташқари, сарой эндиликда булвар матбуотнинг эрмак мавзусига айланиб қолганди.

Вақоланки 1942 йилдаёқ Черчиллга унинг нусхаси бўлган қўғирчоқ (қучело) ўстида Қнайпхофдаги лабораторияда қаттиқ ишлов олиб борилаётгани тўғрисида ахборот берилган эди.

- «Кенигсберг-13» нинг қачон ташкил этилгани, унинг аник санаси тўғрисидаги маълумотлар ҳозирга қадар маълум эмас. Аммо шуни тахмин қилиш мумкинки, бу ҳодиса Иккинчи жаҳон ўрушидан илғари содир бўлган. Тарихдан шу нарса маълумки, рейх бошлиқи ва унинг атрофидагиларнинг барчаси турли ирим-қиримлару, жодуларга, мистика, оккултизм ва демонология (иблисшунослик)қа муккасидан кетишган ва бунга қин қилдан ишонишар эди. Бунга мисоллар ҳам етарлича топилади: СС эмблемаси, яъни иккита қачмоқ - икки қараварга ошириладиган қувватнинг қуниқ белгиси ҳисобланади. Шунингдек, гитлерчиларнинг жанговор бўлиномлари «Ўлик бош», «Танасух» (Тананинг бир қонзотдан иккинчисига айланиши) деб аталган, жангчилар билан эса тефтон маросимлари ўтказилган. Шу сабаб бундай лабораториянинг ташкил этилиши рейхнинг барча қадриятлари тизимиға мос эди. Дарвоқе, бу шундай ҳусусиятға эға яғона ташкилот эмасди, ҳудди шунингдек, «Анненербе» деган ташкилот ҳам мавжуд бўлган. Савол тугилади: хўш, оролдаги оккултистларнинг оммавий босқинға мўлжалланган психотроп қурулини ишлаб қикариш имқонияти бўлганми? Буни аник айтиш мушқул бўлса-да, аммо гитлерчиларнинг кўпгина жанговар операцияларида мазкур лабораториянинг махсулларида албатта фойдаланилганини инқор этиш қийин.

- Айтиш мумкинки, ҳар ҳолда мазкур бўлинома ҳодимларидан бири ўз вазифасини охириғача адо эта олган. Бу одам башоратчи ва астролог Ганс Шурра бўлиб,

гитлерчилар хокимият тепасига келишидан илгариёк немислар орасида катта обрўга эга эди. Лаборатория ишига жалб килинган олим 1941 йилдаёк Кенигсбергнинг 1945 йил апрелида вайрон бўлишини башорат килган экан. Албатта унга ишонишмаган ва унинг бу башоратлари Нострадамус катреналарига тўғри келмаслигини айтишган. Аммо охир окибат Шурра ҳақ бўлиб чикди: шу сабабдан ҳам у шаҳар совет жангчилари томонидан ишғол килинишидан бир муддат илгари катл этилганди.

Дилфуза Кўзиева